

Ўзбекистон Республикаси Урганч
туман хокимлиги хузуридаги
тадбиркорлик субъектларини рўйхатга
олиш инспекцияси томонидан



«Xorazmdohmaxsulotlari»
aksiyadorlik jamiyatি кузатув
Кенганинг 2015 йил 30 октябрдаги
йигилишин томонидан



«« Xorazmdohmaxsulotlari » aksiyadorlik jamiyat»

УСТАВИ (ЯНГИ ТАҲРИР)

Урганч тумани – 2015 й.



Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Xorazmdohmaxsulotlari» **aksiyadorlik jamiyatı** (матн давомида Жамият деб номланади) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 9 мартағи 119-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган обьектларни “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисида”ги низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185 сонли қарорига, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни хукуқларини ҳимоя қилиш тугрисида» ги Конунларга Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошкармасининг 2003 йил 30 октябрдаги № 369-X буйрукига асосан ташкил килинган.

1.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Хоразмдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти
 - лотин алифбосида – «Xorazmdohmaxsulotlari» **aksiyadorlik jamiyatı**
- Рус тилида:- акционерное общество «Хоразмдонмаҳсулотлари»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – «Хоразмдонмаҳсулотлари» АЖ
- лотин алифбосида – «Xorazmdohmaxsulotlari» AJ

Рус тилида:

- АО «Хоразмдонмаҳсулотлари»

1.4. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

1.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият ўзининг ташкилий-хукуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим (муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.7. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Жамият ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.8. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар кўнглиларни тұнайдилар.

ОЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУКУҚЛАШТИРИЛГАН
КОМПАНИЯ КОҲИҲАСАН
ОТКАЗИШ ИНСПЕКСИЯСИ

“РО’ҲХАТДАН ОТКАЗИЛГАН”
“24” / / 2015 йил
РЕЕСТР № 615

1.9. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган кисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.10. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар хисобланмайди.

1.11. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳукуки асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қофозлар, олинган даромад, қонун хужжатлари билан таъкидланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.12. Жамият қонун хужжатларида кўзда тутилган акциядорлик жамият ёки маъсулияти чекланган жамият шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

1.13. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.14. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

1.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс хисобланмайди ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

1.16. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси худудида асосий Жамият фаолиятини амалга оширайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

1.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улущ қўшиш асосида қатнашиш ҳукуқига эга.

1.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш максадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.19. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти Урганч тумани, "Чоткупир кишлоги", Индекс: 220504.

Жамиятнинг электрон почта манзили: _____

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.

2.1. «Жамият» фаолиятининг максади ва асосий вазифалари куйидагилар:

халқ хужалиги ва ахолини дон, ун, ёрма, нон, нон махсулотлари, макарон, кандолат махсулотлари, омухта - ем билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш;

- корхонанинг ишлаб - чиқариш технологиясини такамуллаштириш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва кайта янги технологияларини жалб килиш буйича ишларни ташкил килиш;

- дон, унумдор навли ва дуккакли дон уругларини, бошқа кишлоқ хужалик махсулотларини харид килишни, уларни давлат эҳтиёjlари ва бошқа истемолчиларнинг буюртмалари учун етказиб беришни таъминлаш;

- дон ва дон махсулотларини саклашни таъминлаш;

- ички ва ташки бозор конъюктурасини урганиш;

- узок муддатли ва киска муддатли маркетинг дастурини ишлаб чикиш, буюртмалар «папкасини» шакллантириш ва уларни жойлаштириш, махсулотларни реклама килиш;

- ишлаб-чиқаришни барча чоралар билан интенсивлаштириш ва моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ишлаб-чиқарилётган махсулотларнинг сифатини ошириш чора - тадбирларини ишлаб чикиш;

- ташки иктисодий алокалар буйича фаолият курсатиш;

- инвестицион фаолият курсатиш,

- халк истемол моллари ва техникавий ишлаб - чикариш маҳсулотларини ишлаб -чикариш ва сотиш буйича фаолият курсатиш,

- савдо шахобчаларини (жумладан магазин, чойхона ва бошка курилишларни ҳам) ташкил килиш, шуларни мунтазам равишда ишлашикларини таъминлаш борасида фаолият курсатиш,

- экспорт - импорт маҳсулотларини божхона хизмати оркали лицензияларни олиш, уларни киритиш ва чикариш борасида, келгандарни сакланишилик учун омборхоналарни беришилик, хизматларни курсатиш борасида фаолият курсатиш,

- жамият кизикишлари буйича курилиш ва капитал таъминлаш ишларини бажариш борасида фаолият курсатиш,

- кишлек хужалик маҳсулотларини (паррандачилик, баликчилик, асаларичилик, чорвачилик) етказиш, сотиб олиш, кайтадан ишлаш ва маҳсулотларни сотиш буйича фаолият курсатиш,

- акциядорлар учун маданий ва маънавий дам олиш жойлар, соголомлаштириш комплексларини куриш ва шуларни ишлашикларини таъминлаш борасида фаолият курсатиш,

- Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигини тугри куллаш ва хукукий хужжатлар кабул килиш.

3.2. Таъсис этишдан келиб чикадиган максадлар буйича, шу максадларни бажаришилик учун тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш, лекин конунга хилоф келмайдиган айрим турдаги тадбиркорлик фаолиятларга маҳсус рухсатнома /лицензия/ асосида фаолият курсатиш.

3.3. Жамиятнинг максади жамият аъзолари (акциядорлар)нинг иктисадий-ижтимоий талабларини кондириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, Ўзбекистон Республикаси бозор иктисадини ривожлантиришга хисса кўшиш.

Жамият фаолият турлари куйидагилардан иборат:

дон ва дон маҳсулотларини харид килиш ва кайта ишлаш бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида ракобатга бардошли, юкори сифатли дон маҳсулотлари ишлаб чикаришдан кишлек хўжалиги ва дон корхоналарининг иктисадий манбаатдорлигини кучайтириш;

хизмат кўрсатувчи банклар иштирокида дон маҳсулотларини харид килиш ва кайта ишлаш юзасидан дон етиштирувчи кишлек хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлар била контрактация шартномалар тузиш;

Ташки иктисадий алоказалар агентлигининг ташки савдо компаниялари ва республика истеъмолчилари билан донани кайта ишлаш маҳсулотларини экспортга ва ички бозорга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;

тузилган контрактация шартномаларига мувофик дон маҳсулотларини харид килиш ва уни ўз вактида кайта ишлашни ҳамда дон маҳсулотини экспортга ва ички бозорга етказиб беришни ташкил этиш;

дон етиштирувчи хўжаликларни доннинг жаҳон бозорида харидоригир бўлган селекция навларининг юкори кондицияли уруглик донлари билан таъминлаган холда уруглик дон маҳсулотларининг сифатли кабул килиниши, сакланиши ва кайта ишланишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид килинадиган кишлек хўжалиги маҳсулотларининг хисоб-китоб жамгармаси (кейинги ўрингарда Жамгарма деб юритилади) томонидан ажратиладиган маблаглардан максадли фойдаланишишини таъминлаш, дон маҳсулотларини харид килиш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофик дон етиштирувчи кишлек хўжалиги корхоналарига ва фермер хўжаликларига аванс бериш ва улар билан узил кесил хисоб-китоб килиш, шунингдек донни кайта ишлаш корхоналари билан хисоб-китоб килиш;

Дон маҳсулотларини харид килиш, дон маҳсулотлари ишлаб чикариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва маҳсулотларнинг колдиклари бўйича хисоб-китоб ва хисобот юритиш, дон маҳсулотларини харид килиш, дон маҳсулотлари ишлаб чикиш хажмдари; уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг таъминлаш;

“RO’YXATDAN O’TКАЗИЛГАН”	
“04.11.2008 yil”	REESTR № 645
“O’TКАЗИЛГАН”	
“RO’YXATDAN O’TКАЗИЛГАН”	

Дон махсулотларини кайта ишлаш цехларини техник жихатдан кайта жихозлаш ва замонавийлаштириш бўйича ягона сиёсатни амалга ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

3.4. Жамият узига юкланган вазифаларга мувофик куйидаги функцияларни бажаради:

хизмат кўрсатувчи банклар билан биргаликда дон махсулотларини харид килиш ва уни кайта ишлаш юзасидан дон етиштирувчи кишлок хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузади;

доннинг навлар бўйича жойлаштирилишига, уруглик донини кабул килиш, саклани ва кайта ишлаш технологиясига риоя этилишини, дон етиштирувчи хўжаликлар учун доннинг юкори кондицияли уруглик фонди тайёрланишини таъминлайди.

дон етиштирувчи хўжаликларнинг белгиланган навларини жойлаштиришга катыйи мувофик холда уругликлар билан таъминланиши учун жавоб беради;

Ташки иктиносидий алокалар вазирлигининг ташки савдо компаниялари ва республика истеъмолчилари билан тузилган шартномалар ва контрактларга мувофик дон махсулотлари кайта ишланишини хамда дон махсулотиларини экспортга ва республика истеъмолчиларига жўнатилишини ташкил этади;

контрактация шартномалари бажарилиши, дон махсулотлари ишлаб чикарилиши ва етказиб берилиши хажми юзасидан маълумотларни «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига ўз вактида тақдим этади;

инвестиция дастурларини амалга оширишда катнаплади, дон корхоналарини замонавийлаштириш ва техник жихатдан кайта жихозлашга, янги ишлаб чикариш кувватлари ишга туширилишига, жамият таркибига кирувчи корхоналарни моддий техника ресурслари билан таъминлашга кўмаклашади;

дон махсулотларини кайта ишлашнинг технология регламентига риоя этилиши, хом ашё ресурсларидан окилона фойдаланиши, дон ва уруглик дони нормативига мувофик ишлаб чикарилишини таъминланиши, ракобатбардош сифатли дон махсулотлари ишлаб чикаришда ёнгина хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назорат килади;

дон махсулотларини харид килиш, дон махсулотлари ишлаб чикариш, жўнатиш ва уни колдиклари бўйича хисоб-китоб ва хисботни юритади хамда маълумотларни белгилаган рўйхат бўйича худудий статистика органларига ва «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига тақдим этади;

Жамият ва унинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини текшириш чогида «Уздонмаҳсулот» АКниг Назорат тафтиш бош бошкармаси мутахассислари ишлаши учун зарур шарт шароитларни таъминлайди;

«Уздонмаҳсулот» АК аппарати таъминотига таъсис шартномасида кўзда тутилган миқдорда ўз хўжалик фаолияти натижаларидан маблаг ажратади.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

3.2. Жамиятнинг устав фондининг миқдори 2 104 929 000 (икки миллиард бир юз турт миллион туккиз юз йигирма туккиз минг) сўмни ташкил килиб, ҳар бирининг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм бўлган 21 049 290 (йигима бир миллион кирк туккиз минг икки юз туксон) дона акциялардан иборат.

Шу жумладан:

- Уздонмаҳсулот”АК - 51 фоиз 1 073 513 800 сўм ёки 10 735 138 дона акциялар;
- Бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши – 4,2962 фоиз, 90 431 400 сўмлик, 904 314 дона акция;
- Эркин савдода сотиш учун мулжалланган улуш – 44,7038 фоиз, 940 983 800 сўмлик, 9 409 838 дона акция бўлади.

а) Жамият Устав фонди миқдорини кўпайтириш.

3.3. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Жамият Устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни жамият Уставига киритиш тўғрисидаги Қарор жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.5. Кўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

3.6. Эълон қилинган кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

б) Жамият Устав фонди миқдорини камайтириш.

3.7. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.8. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.9. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ

4.1. Жамият томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва улар бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Устав билан белгиланади.

4.2. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.3. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳукуки асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳукуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

4.4. Акциялар мулк ҳукуки ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

4.5. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукукини беради.

4.6. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблагларни биринчи навбатда олиш ҳукукини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

4.7. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериси ҳукукини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акцияси хисобланади.

4.8. Жамият ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган акцияларни муомалага чиқаради.

4.9. Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар: номинал қиймати 100 сўм бўлган, умумий қиймати 1 163 945 200 сумдан 2 104 920 000 сўмга купайтилган, 21 049 290 дона акциялардан иборат.

Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялар: номинал қиймати 100 сўм бўлган, умумий қиймати 940 983 800 сўм бўлган, 9 409 838 дона акциялардан иборат.

4.10. Жамият ўз хўжалик фаолияти натижасидаги **зарардорни котиш** мақсадида акцияларни муомалага чиқариши мумкин эмас.

URGANCH TUMKIM HOKIMLIGI	
HUZURIDAGI TADBIRKORLIK	
SUBEKTAJIM RO'YXATDANMA	
O'TKAZISH INSPEKSIVASI	
"RO'YXATDAN O'TKAZILGAN"	
"A 4" / / 2006 yil	
REESTR № 685	

5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Акциядорлик жамияти акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиради.

5.2. Акцияларнинг очиқ обунаси факат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.3. Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига ўзгартириш жараёнида чиқарилган акциялар янги мулкдорларга белгиланган тартибда реализация қилинадиган пайтга қадар дастлабки жойлаштирилган давлат активлари ҳисобланади.

5.4. Эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Жамият томонидан акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очиқ ёки ёпиқ обуна) усуллари жамият акциядорлар умумий йигилишининг қарори билан белгиланади.

5.6. Жамиятнинг акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириши, шунингдек уларни сотиб олишдаги имтиёзли ҳукуқдан фойдаланиш тартиби қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ амалга оширилади.

5.7. Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан холда белгиланади.

5.9. Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш чогида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.10. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН АКЦИЯЛАРНИ ВА АКЦИЯЛАРГА АЙИРБОШЛАНАДИГАН ЭМИССИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ ОЛИШ ҲУКУҚИ

6.1. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблаглари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳукуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзиге тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳукуқига (бундан бўён матнда имтиёзли ҳукуқ деб юритилади) эга.

6.2. Имтиёзли ҳукуқни кўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Имтиёзли ҳукуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотларига асосида тузилади.

6.4. Имтиёзли ҳукуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

6.5. Жамият акцияларнинг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичida оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳукуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этади.

6.6. Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳукуки амал қиласидаги муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар берилади.

6.7. Имтиёзли ҳукуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.8. Имтиёзли ҳукуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳукуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳукукнинг амал қилиш муддати ичida жамиятга тақдим этилиши керак.

6.9. Имтиёзли ҳукуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳукуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

6.10. Жамият имтиёзли ҳукуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни уларни олиш бўйича имтиёзли ҳукуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

6.11. Имтиёзли ҳукуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар уларни чиқариш тўғрисидаги, қарорда белгиланган тартибда жамият томонидан реализация қилинади.

6.12. Имтиёзли ҳукуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

7. АКЦИЯДОРДАН АКЦИЯЛАРНИ ОЛИШГА БЎЛГАН ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ

7.1. Агар акциядорларнинг сони эллик нафардан ошмаса ва ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни олиш юзасидан куйидагилар имтиёзли ҳукукга эга:

жамият акциядорлари, учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ҳамда акциядорларнинг ҳар бирiga тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда;

жамият, агар ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳукуқларидан фойдаланмаган бўлса.

7.2. Ўз акцияларни сотаётган акциядор акцияларни сотиш нияти тўғрисида бўшк. акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган холда тўғридан-тўғри ёхуд жамият орқали ёзма шаклида хабардор қилиши шарт.

7.3. Акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳукуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.4. Акцияларни олишга бўлган ушбу имтиёзли ҳукуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

8. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият хўжалик фаолияти натижасида олинган фонда, амалдаги кончунчилик хужжатларида белгиланган соликлар ва бошқа мажбурий тұловшылардан сунг жамият

URGANCH TUMANI HOKIMLIGI HUZIRIDAGI TADBIRKORLIK SAHIBQARINI RO'YXATDAN O'TKAZISH INSPEKSIVASI	"RO'YXATDAN O'TKAZILGAN"	
24	11	2005 yil
REESTR №	655	

мулки ҳисобланади ва амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Уставга асосан Жамият фонdlарини шакллантириш, қайта инвестициялап ва акциялар бўйича дивиденд тўлаш учун ишлатилади.

8.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган кисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

8.3. Акциядорлар жамиятининг умумий йигилиши қарорига биноан дивиденд пул маблаглари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.4. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

8.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг микдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларни муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд микдори белгилаб кўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган микдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилади.

8.6. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарори билан белгilanади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлmasлиги лозим.

8.7. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларни умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳукуқига эга.

8.8. Жамият:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунiga қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

8.9. Жамият дивидендлар микдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи.

8.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

9. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан захира фонди ва жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фонdlарни тузиши мумкин.

9.2. Захира фонди Жамият Устав фонди микдорининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда тузилади.

9.3. Жамиятнинг захира фонди 9.2. бандда белгilanган микдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% дан кам бўлмаган микдорда мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

9.4. Агар захира фонди маблагларининг ҳаммаси ёки бир қисми сарфланган тақдирда мажбурий ажратмалар, захира фондининг 9.2. бандда белгиланган миқдорга етгунига қадар, қайта амалга оширилади.

9.5. Жамиятнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

10.1. Жамиятни бошқарув органлари куйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

11. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ

11.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йигилиши ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият акциядорларининг умумий йигилиши тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

11.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

11.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан бўён матнда бошқарув раиси деб юритилади), билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш ҳақидаги масалалар ҳал этилади.

11.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

11.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.7. Жамиятнинг барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган холатда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди. Қонун ҳужжатлари ва мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади, жамиятнинг имтиёзли акциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ овоз бериш хукукини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда қонун ҳужжатлари ва ушбу уставда белгиланган акциядорлар умумий йигилишига тайёргарлик кўриш, уни чакириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалар қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиш муддатларига тааллукли қоидалар бундан мустасно.

11.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинланти ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;



г) жамият кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

ж) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

з) ўз акцияларини олиш;

и) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

к) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўгрисидаги низомни тасдиқлаш;

л) жамиятнинг йиллик ҳисботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

м) жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

н) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқарилга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисботини эшитиш;

о) жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича ҳисбот ва хулосаларини эшитиш;

п) имтиёзли хукуқни кўлламаслик тўгрисида қонун хужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

р) акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

т) қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўгрисида қарор қабул қилиш;

у) амалдаги қонучилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

11.9. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга кўйилган масалалар бўйича куйидагилар овоз бериш хукуқига эга бўлади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

11.10. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йигилишининг қарори, агар қонун хужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.11. Ушбу Уставнинг 11.8. бандининг а,б,в,д,н,с - хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

11.12. Акциядорларнинг умумий йигилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йигилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби ушбу устав ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган бошқа хужжатларида белгилаб қўйилади.

11.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

11.14. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонун хужжатларида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган

тартибга асосан ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.15. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукукига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.16. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камидан етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандан акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллихисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг бошқарув раиси (бошқарув раиси) билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

11.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камидан бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашни ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу организмиклор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.18. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.20. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз беъувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакриш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш ҳакида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан амалга оширилади.

11.21. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакриш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida жамият кузатув кенгashi акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакриш тўғрисида ёки йигилишни чакришни рад этиш ҳакида қарор қабул қиласди.

11.22. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шâхсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

11.23. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакилилари) рўйхатдан ўтсан бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

LURGANCH TUMANI HOKIMIYATI
SUB'EKTLARIN RO'YXATIDAN
RO'YXATDAN O'TKAZILGAN

REESTR №	685
“ <u>14</u> ” / <u>11</u> / <u>2015</u> yil	

11.24. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.25. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган такорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

11.26. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаси аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.27. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериси бўллетеңлари орқали амалга оширилади.

11.28. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

11.29. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йигилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

11.30. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктиримай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

12. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг кузатув кенгаси жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, ушбу Устав ва қонунчилик билан акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият кузатув кенгаси ўз фаолиятини амалдаги конун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият кузатув кенгаси тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

12.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қўйидагилардан иборат:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санани белгилаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳирirdагi уставни тасдиқлаш, шунингдек аудиторлик текшириши ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисидаги масалаларни Акциядорлар умумий йигилиши қарорига киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;

конунда хужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

йиллик бизнес-режани маъқуллаш ва унинг ижроси назоратини амалга ошириш. Ўнда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаси мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиримай маъқулланиши лозим;

жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан бирга жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви якуплари бўйича ташқи аудиторнинг ҳисобот ва хуносасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;

йилнинг ҳар чораги якуплари бўйича ижроия органи ва ички аудит хизмати ҳисботларини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилиши, ҳамда дивидендлар ҳисобидан жамият ихтиёрига қолдирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

корпоратив маслаҳатчими тайинлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва харажатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилишига қадар ижроия органи ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш ва ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиши ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

йирик битишувларни содир этиш;

ушбу Устав ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш, жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

12.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Устав ва қонунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

12.4. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши қарори билан Кузатув кенгашининг аъзосини ҳар бири(хаммаси)нинг ваколати муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.

12.5. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби 5 (беш) аъзодан иборат.

Жамият акциядорларининг сони бир мингдан ортиқ бўлган холатда жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тўққиз аъзодан иборат деб белгиланади.

12.6. Жамият ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас. Муайян жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари бўйича мумкин эмас.

12.7. Кузатув кенгаши таркибига қонунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

РО'УХАТДАН ОТКАЗИЛГАН	
24	11
2005	йил
РЕЕСТР № 695	

12.8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

12.9. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

12.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб хисобланади.

12.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

12.12. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

12.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йигилишида раислик қилади.

12.14. Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқлигига унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажарип туради.

12.15. Жамият номидан яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бошқарув раисини) билан, ёки коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) раҳбари, ёки бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартнома Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

12.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, жамият ижроия органининг, шунингдек мазкур Уставда белгилаб кўйилган бошқа шахсларининг талабига биноан чақирилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисini чакириш ва ўтказиш тартиби мазкур Устав ва “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгилаб кўйилади.

Кузатув кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

12.17. Кузатув кенгаши мажлисini ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12.18. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун.. акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йигилишини чакириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

12.19. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, жамият Устави ва қонунчиликда бир овоздан қарор қабул қилиш белгиланган холатлар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

12.20. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

12.21 Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисining баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

12.22. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган жой ва вақт;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисning кун тартиби;

овоз беришга кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

12.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисining баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисining баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

12.24. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин

12.25. Акциядорлар умумий йигилиши қарорига биноан жамият кузатув кенгаси аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда бадал тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай бадал ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йигилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

12.26. Кузатув кенгаси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаси раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб Акциядорлар умумий йигилиши томонидан белгиланади.

12.27. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга заар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаси аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

13. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамият бошқарув раисии томонидан амалга оширилади.

13.2. Жамият бошқарув раисии ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатлари, мазкур, Устав ва “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

13.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тайинланадиган жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилишигача бўлган даврда вақтингча бажариб туришига йўл қўйилади.

13.4. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан мустасно.

13.5. Ижроия орган раҳбари (бошқарув раиси)нинг вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгаси қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Акциядорлар умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгасига йиллик бизнес-режа ижроси бўйича, ҳамда ўз ваколатига кирувчи бошқа ишлар бўйича хисботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- тиббий-хужалик ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонун хужжатлари талабларига ва тасдиқланган диагностика ва даволаш сифати стандартларига риоя қилинишини таъминлаш;

- давлатга тегишли жамият акциялари бўйича дивидендлар хисобидан жамият ихтиёрига колдирилган маблаглардан мақсадли фойдаланиш бўйича таклифлар (тартиб) ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш;

- жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошқа мөмниин ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларса кредиторларга ва бошқа олувчиликларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш.

“ОЛУВЧИЛАРДАН ОТКАЗИЛГАН”

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаси, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилиши;
- давлат статистика ҳисботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаси томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;
- жамоа музокораларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- узоқ муддатли хизмат сафари ва меҳнат таътили вақтини Кузатув кенгаси билан келишиш, ўзи йўклиги даврида бошқарув раиси вазифасини бажарувчи тўғрисида Кузатув кенгашига ахборот бериш;
- мазкур Устав ва қонунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошқа масалаларни амалга ошириш.

13.6. Бошқарув раиси қўйидаги хукуқларга эга:

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа хужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустакил ҳал этиш;
- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;
- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа хужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш;
- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб-китоб счёtlари ва бошқа счёtlар очиш;
- ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар ва кўрсатмалар бериш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;
- жамоа музокораларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;
- Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;
- Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа гонда ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган холатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш;
- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сирини деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;
- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа хукуклар.

13.7. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бошқарув раисини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

13.8. Жамият бошқарув раисининг хукуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун хужжатларида, ушбу уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият

номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошқарув раисии билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганилиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.9. Жамиятнинг бошқарув раисиига тўланадиган ҳақ микдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

13.10. Жамиятнинг бошқарув раисии вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

13.11. Акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раисии билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тутишишга (бекор қилишга) ҳақли.

13.12. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раисии билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

13.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан жамият бошқарув раисиининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раисиининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишининг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раисии вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиш учун колдирилиши мумкин. Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган бўлса, жамият бошқарув раисиининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият бошқарув раисии вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиради.

13.14. Жамият ижроия органи фаолиятини ташкил этиш қонун хужжатлари, мазкур Устав ва "Жамият ижроия органи тўғрисида"ги Низомга асосан тартибга солинади.

14. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ РАИСИИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқарув раиси ўз ҳукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ва белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

14.2. Агар ушбу боб қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

14.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

15. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси сон таркиби 3 кишидан иборат.

15.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

15.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига ва фадалига курсатиш тартиби қонун хужжатлари, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган "Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низомга асосан берилади.

15.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

15.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

15.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташабусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

15.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича ҳисбот ва хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

15.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича тафтиш комиссия ҳисбот ва хулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эшитилади.

15.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

б) Жамиятнинг ички аудит хизмати

15.10. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориши орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

15.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун хужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

15.13. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш якунлари бўйича ҳисбот ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

15.14. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

15.15. Жамият Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиқсан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

15.16. Аудиторлик ташкилотини танлаш жамият кузатув кенгаси томонидан тасдиқланадиган “Жамият молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

16. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

16.1. Жамият кузатув кенгаси томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш.

16.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаси томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

17. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.3. Мазкур Устав Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

17.4. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида тартибга солинади.

